

# ШАРТНОМА № 87

03 февраль 2022 йил

Фарғона шаҳар

ШКОЛО - ИНТЕРСАЙЗ № 86 - М. Рахмонова

(Хўжалик юритувчи субъект ФИШ)

Бундан буён бир томонидан "Буюртмачи" деб юритилади, Низом асосида ҳаракат қилувчи, иккинчи томонидан

**"BUSINESS COMPANY INVEST" МЧЖ раҳбари Р.Ғофуров**

Низоми асосида иш юритувчи бундан буён "Ижрочи" деб юритилади ва қуйдагилар ҳақида Ушбу шартнома тузилди.

## 1-ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 "Ижрочи" узига тегишли мол-мулкни сотиш, "Буюртмачи" эса туловни белгиланган тартибда амалга оширгандан сунг қабул қилиш мажбуриятини оладилар.

## 2-ШАРТНОМА НАРХИ

№	Товарнинг номи	Улчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Суммаси	ҚҚС		суммаси
						Ставка %	Сумма	
1	Мол гўшти	кг	1200	55000			66000000	
	Жами:						66000000	

Товарларнинг шартномавий умумий баҳоси

66000000 *Ғофуров Раҳимов*

сўм

(рақамлар, ёзувлар билан)

## 3- ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. "Буюртмачи" олдиндан шартнома суммасининг 30% миқдорида пул ўтказиш йули билан туловни амалга оширади.

3.2. "Буюртмачи" қолган 70% тўловни "Ижрочи" томонидан товар ёки мол-мулкни тўлиқ етказиб бериб, ҳисоб-фактура тақдим қилгандан сўнг пул ўтказиш йули билан тўловни амалга оширади.

## 4-ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ

4.1. "Ижрочи" мазкур шартнома қонуний кучга киргандан сунг товарни февраль ойи ичида "Буюртмачи"га етказиб бериши шарт.

## 5-ТОВАР СИФАТИ

5.1. Етказиб берилаётган товарнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиқлик сертификати) ишлаб чиқариш меъёрий ҳужжатлар ва "Буюртмачи"нинг талабига мос келиши шарт.

## 6-ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. "Ижрочи" мажбуриятлари:

-Шартномада курсатилган талабларга риоя қилган ҳолда уз вақтида "Буюртмачи" га товарни етказиб бериш;

-Шартноманинг шартлари "Буюртмачи" томонидан бузилганда берилган маҳсулотни қайтариб олиб қуйиш ҳуқуқига эга;

-Тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилганлиги тугрисида билдириш олгандан сунг, сифатли булмаган мол-мулкни 10-кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 2 бандига асосан сифатли булмаган мол-мулк баҳосини қайтариб бериш.

-"Ижрочи" етказиб берган маҳсулотларнинг ҳисоб-варақларда тўлиқ ва аниқ номини, маҳсулот навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиш шарт. Шунингдек, ҳисоб варақаларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ реквизитлари расмийлаштириш шарт.

6.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:

"Буюртмачи" шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда туловларни амалга ошириш, товарларни далолатнома тузиб Ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб уз вақтида маҳсулотни қабул қилиб олиши лозим.

- Тегишли даражада сифатли булмаган мол-мулк келиб тушгани аниқлангандан сўнг, бу ҳақда далолатнома ёзилиб 5 кун ичида "Ижрочи" ни огохлантириш.

-Тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳамда маҳсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

## 7-ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Ушбу шартнома буйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек Ушбу шартномада назарда тутилган тарзда жавобгардирлар.

7.2. "Ижрочи" "Буюртмачи"нинг олдиндан маблағи булган ҳолда товарни белгиланган муддатда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган ҳар бир кун учун етказиб берилмаган товар қийматининг 0,5% миқдорида "Буюртмачи" га пеня тулайди, пеня миқдори етказиб берилмаган маҳсулот қийматининг 50% дан ошмаслиги керак.